O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 24-mart • Payshanba • 38 (27.373) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«ТОШҒУЗОР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ЙЎНАЛИШИ ҚУРИЛИШИДА

Наврўз айёми «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида ҳам кенг нишонланди. «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» йўналиши қурилишида меҳнат қилаётган темирйўлчилар, қурувчилар ҳамда маҳаллий аҳоли учун бу байрам узоқ вақт ёдда қоладиган бўлди. Айни Наврўз куни Бойсун темир йўл бекатида катта тантана ўтказилди.

Маълумки, Қумқўрғондан Бойсунгача бўлган темир йўл узунлиги 59,1 километр. Ҳозиргача ана шу масофанинг 33 километрида темир излар ётқизиб бўлинди. 230-йўл-тажриба-машина станцияси жамоаси тоғ жинслари ва тупроқ ишларини бажаришда иш суръатининг юқорилиги билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Ушбу йўналишда йўл қурилишига уч минг нафар қурувчи жалб этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биргина Қумқўрғон — Бойсун участкасида 600 дан зиёд қурилиш техникасидан унумли фойдаланилмоқда.

Суратларда: *Наврўз байрами Бойсун темир йўл бекатида тантана билан нишонланди; бухоролик гредерчи Саъдулло Тошев; Тангимуш — Бойсун бекатлари оралиғида ишлар қизғин бормоқда.*

М.АМИН (ЎзА) олган суратлар

Парламент фаолияти

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

23 март куни Сенатда бўлиб ўтган давра суҳбати биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватини барпо этиш мисолида «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши масаласига бағишланди. Бу тадбирни Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан биргаликда ташкил этди.

Муҳокама асносида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиш билан табиатни муҳофаза қилиш объектларини ягона экологик тизимда ривожлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Шу муносабат билан мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг, табиат муҳофазасига оид тадбирларни амалга оширишнинг, табиий бойликларни келгуси авлодлар учун асраб-авайлашнинг ҳуқуқий базасини яратиш ҳамда кенгайтиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари биологик хилма-хилликни сақлаб қолишда «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг муҳим ролини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш юзасидан бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши зарур эканлигини айтдилар. Экологияга оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалаларини ҳам атрофлича муҳокама этдилар.

Нурота-Қизилқум биосфера резерватини барпо этиш мисолида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам шу сингари табиий зоналарни шакллантиришнинг ҳуқуқий масалалари ҳамда уларни қонунчилик йўли билан таъминлаш омиллари муҳокама этилди. БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаб қолишдаги роли ҳам таъкидлаб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари шунга эътиборни алоҳида қаратдиларки, Нурота-Қизилқум биосфера резерватининг ташкил топиши экологик хавфсизликни янада пухтароқ таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза этишга, биологик ранг-баранглиги сақлаб қолишга ёрдам беради, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларини ягона экологик тизимда ривожлантириш борасидаги халқаро мажбуриятлар Ўзбекистон томонидан бажарилишига кўмаклашади. Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенция қоидаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш ишини тезлатади.

Давра суҳбатида сенаторлар, депутатлар, вазирликлар ва идораларнинг, ҳокимликларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг намояндалари, олимлар ва мутахассислар, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

ПАЛАТАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2005 йилга мўлжалланган асосий иш режаларини шакллантириш масалаларига бағишланган мажлислари бўлиб ўтаяпти. Йиғилиш кун тартибидан қўмиталарнинг қонунчилик (янги қонунлар ишлаб чиқиш, мавжуд қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги таҳрирдагисини ишлаб чиқиш каби) фаолияти ҳамда назорат-таҳлил (мавжуд қонунлар, парламентда ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг ҳаётимизда қанчалик амал қилаётганлигини ўрганиш) фаолиятига доир масалалар ўрин олган.

Депутатлар ҳар бир қўмита раисининг қўмита иш режаси юзасидан маърузасини диққат билан тинглаб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирмоқдалар. Қўмита раисларига депутатлардан жуда кўплаб саволлар тушаяпти ва улар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинаяпти.

Қонунчилик палатаси депутатларининг кўпчилигида ҳозирча депутатлик тажрибаси йўқлиги ва палата умуман янгича шаклу шамойилда иш бошлаганлиги боис, қўмиталар ишида баъзи камчиликлар ҳам учрамоқда. Масалан, айрим қўмиталар ўз йўналишига тегишли бўлмаган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, мавжуд қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби масалаларни режалаштирганлар. Бугунги кунда долзарб бўлиб турган, депутатлар эътиборига ҳавола этилиши керак бўлган баъзи зарур масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов фикр юритар экан, қўмиталар томонидан ишлаб чиқилган иш режаларга муайян аниқликлар киритилиши лозимлигини уқтириб ўтди. Халқаро меъёрий ҳужжатлар ва парламент томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар билан миллий қонунчилигимиз ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган тафовутларнинг олдини олиш, агар бундай ҳолатга йўл қўйилса, у амалиётда кўплаб қийинчиликлар ва ўзаро келишмовчиликларга олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Булардан ташқари, Спикер депутат этикаси, ўз иш жойи ва бошқа жойларда ўзини қандай тутиши, муомаласи, парламент, хусусан Қонунчилик палатасининг обрўсини янада юксалтиришда депутатнинг ўрни масалалари ҳақида ҳам фикрларини билдирди.

Қонунчилик палатасининг мажлиси ўзаро баҳс-мунозаралар, фикр алмашувлар асосида ўтаяпти.

Бугун эса палата қўмиталари 2005 йилда ўтказадиган тадбирлар тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақида Қонунчилик палатаси Девони раҳбари А.Эркахўжаевнинг ахборотини тинглайдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

Мамлакатимиз заминидан олинаётган табиий газни қайта ишлаш, тозалаш ва узатишда Муборак газни қайта ишлаш заводи алоҳида ўрин тутади. Ўтган асрнинг 70-йилларида ишга туширилган завод Мустақиллик йилларида қайтадан туғилди, янги қувват билан ишга туширилди. Мазкур корхона дастлабки пайтда йилига 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаган бўлса, ҳозирда унинг қуввати йилига 30,7 миллиард куб метрни ташкил этади.

Бироқ, мазкур корхонада тайёрланаётган газнинг намлиги юқорилиги сабабли халқаро талабларга унчалик жавоб бермасди. Бу нуқсонни бартараф этиш учун корхонада газни юқори даражада тозалаб, қуритадиган совутиш — пропан қурилмасини бунёд этиш зарур эди.

Бу ишларга 1993 йил киришилган бўлса-да, қатор муаммолар туфайли унинг қурилиши чўзилиб, ускуналар эскириб қолган эди. Шу боис, йилига 13,6 миллиард куб метр газни тозалайдиган 1-комплекс қурилишини ниҳоясига етказиш ишлари бошланди. Лойиҳага жиддий ўзгаришлар киритилди. Россиядаги Қозон компрессор заводидан келтирилган эски компрессорлар Чехиянинг «ЧКД Нов Энерго» компаниясининг замонавий ва юқори самарали компрессорлари билан алмаштирилди.

«Бухорогазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти бош пудратчи сифатида барча ишларни мувофиқлаштирди. Бош лойиҳачи «ЎзЛИТИнефтгаз» акциядорлик жамияти лойиҳа ишларини зудлик билан ҳал этди. «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш», «Ўзсаноатвентиляция», «Махсусэнергиягаз», «Ўзнефтгазмашинасозлик» ташкилотлари, «Ўзбекэнерго» акциядорлик компанияси бўлинмалари астойдил ғайрат билан ишладилар. Бу мураккаб иншоотни қуришдан тортиб, ускуналарни жой-жойига қўйиш, созлаш қисқа муддатларда аъло даражада бажарилди. Бу давр ичида 28 миллиард сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди, 18,7 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жорий йилнинг ўтган вақти ичида қарийб 1 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Пропан — совутиш қурилмасининг фойдаланишга топширилиши йилига 13,6 миллиард куб метр табиий газни юқори сифатли тозалаш, қўшимча енгил газ конденсати, суюлтирилган газ олиш, қувурлар «умри»ни анча узайтириш, энг асосийси, Ўзбекистон газини хорижга юқори нархларда сотиш имконини беради. Бу ерда тозаланган газнинг асосий қисми Россиянинг «Газпром» компанияси орқали Европа мамлакатларига экспорт қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ XV сессиясида мамлакатимизда табиий газни қазиб олиш ва экспорт қилишни кўпайтириш юзасидан қўйилган вазифаларни изчил бажариш учун «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси барча имкониятларни ишга солмоқда. Жорий йилда 10,6 миллиард куб метр газ хорижга етказиб берилиб, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти янада юксалади.

Собиржон САЛИМОВ,
«Ўзбекнефтгаз» компанияси Матбуот хизмати раҳбари

Муносабат

Ён қўшни, яхши дўст бир-бирининг ютуғидан қувонади, муаммосидан ташвишланади. Қирғизистон ўзбекистонликлар учун ҳам ён қўшни, ҳам содиқ дўст, оға-ини. Шунинг учун ҳам ҳамюртларимиз Қирғизистонда бўлаётган воқеалардан қаттиқ ташвишга тушиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН?

Мен ҳуқуқшунос сифатида Қирғизистондаги ҳуқуқий ислоҳотларни, сиёсий жараёнларни анчадан бери кузатиб келаман. Қирғиз халқининг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларидан яхши хабардорман. Афсуски, бугун бўлаётган воқеаларни эшитиб, кўнглимда оғриқ пайдо бўлди. Ахир бу йўл демократияга мутлақо зидку. Тўс-тўполон, бош-бошдоқлик мамлакатни, халқни ҳар томонлама инқирозга етаклайдику. Демократия қонун доирасида ҳаракат қилиш, қонунни хурмат қилиш дегани.

Яқинда Ўзбекистонда ҳам парламент сайловлари бўлиб ўтганидан қирғиз дўстларимиз яхши хабардор албатта. Мен ҳам номзодимни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига қўйган эдим. Кураш кутганимдан ҳам кескин бўлди. Асосий рақибим билан такрорий овоз беришда қатнашишга тўғри келди. Сайлов нималигини ўз бошимдан ўтказдим. Тўғри, камчиликлар бизда ҳам бўлди. Аммо, норози томон қонунда белгиланганидек Марказий сайлов комиссиясига ёки суд идораларига мурожаат қилди.

Камчилик, ноҳақлик бўлган жойда қонун, суд бир четда қолиб одамлар ўзларича тўполон кўтарса, ур-йиқит бошланса, бундан ким фойда кўради? Ташқаридан туриб бу тартибсизликларни уюштирганлар манфаатдор бўлади. Лекин, ўша мамлакат, халқ бундан фақат зиён кўради деб ўйлайман. Буни ҳаёт тажрибаси кўрсатиб келмоқда.

Биз қирғиз халқи тарихини, адабиётини, маданиятини яхши биламиз. Бу халқнинг бағрикенглиги, ўз юртини нақадар қадрлашидан ҳам хабардормиз. Қирғизлар ҳам худди ўзбеклардек жамулжам бўлиб, муроса-ю-мадора билан аҳил яшаб келаётган халқ. Бугун бўлаётган нохушликларни улар вазминлик билан ва албатта қонун доирасида ҳал этишади деб умид қиламан.

Гулноза САТТОРОВА,
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, ХДП Ёшлар маркази раиси ўринбосари.

ЖАНЖАЛЛИ ЖОЙДАН БАРАКА КЎТАРИЛАДИ

Таҳририят телефони жиринглади. Гўшакни олдим. Отам экан. Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги «Пешқўрғон» жамоа хўжалигидан телефон қиляпти. Ҳол-ахвол сўрашдик. Шу аснода Қирғизистондаги қуда-андаларни-да сўрадим. Отам кўп нарсалар ҳақида гапирди.

«Ўғлим, биз қирғизмиз. Лекин мана 86 йилдан бери Ўзбекистонда тинч ҳаёт кечиряпман. Сен бўлсанг Тошкентда газетада ишлаяпсан. Шунинг учун ҳам сенга қўнғироқ қилиб кўнглимдагиларни айтгим келди.

Ўзбек билан қирғиз халқи эт билан тирнокдек бир гап. Уларнинг урф-одати, орзу умидлари бир хил. Қуда-анда бўлиб кетганмизку. Шу боис қирғизда бир нохушлик бўлса ўзбекнинг кўнгли нотинчланади. Бутун қишлоғимиз Қирғизистондаги воқеалардан ташвишга тушаяпмиз. У ердаги воқеалар ҳақида ҳар куни телевизорда кўриб, эшитиб турибмиз.

Сен газета орқали қишлоқдаги оқсоқоллар — Холмурод Холматов, Сотқонқул Ҳайдаров, Жонузоқ Холмирзаев, Абдумалик Абдураҳмонов, Абил Абдураҳимов, Абдуқаҳҳор Исоқов, Эмил Мирзаахмедов, Асилбек Холбоев, Абдувоид Қирғизов, Ўмаркул Ниёзалиев, Тўра Солиев ва менинг (Тошбек Султонқулов) номимдан Қирғизистондаги воқеалардан ташвишда эканлигимизни ёз. Қирғизистон халқи тинч бўлса, яхши яшаса биз қувонамиз. Бироқ мана бунақа тўполонлар ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Халқда «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилади», деган мақол бор. Буни қирғизлар ҳам яхши билади. Ҳар бир муаммони ота-боболаримиз босиқлик ва баҳамжиҳатлик билан ҳал қилиб келган.

Ўзбек билан қирғиз бир-бирини тилмочларсиз тушунади. Тынчтык, айнан мен айтгандай қирғизча ёз, бўлғўн жерде қут-береке бўлўт, тынчтык бўлғўн жерде бейпилдик бўлўт. Мана шу сўзларни қайси ўзбек тушунмайди? Ҳамма тушунади.

Қирғизистонда оқсоқоллар кўп, чуқур ўйлаб иш кўрадиган одамлар ҳам кўп. Наврўз айёми кунларида энг яхши амаллар бажарилади, бир-бирига яхшилик тиланади. Умид қиламизки, оқиллик албатта баланд келади. Биз тинчлик, барқарорлик тарафдоримиз. Мана шу гапларимни албатта ёзиб чиқар».

Гўшакни қўйгач қўлимга қалам олдим ва...

Алимбек ТОШБЕК.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Наврўзи олам билан юртга наво, қут келди, сайилларда эл кўнглига эзгу умидлар тўлди

АСРЛАРГА БЎЙДОШ БАЙРАМ

НАВРЎЗИ ОЛАМ ЮРТИМИЗДА ҚАРИЙБ ТЎРТ МИНГ ЙИЛДАН БУЁН НИШОНЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА ДЕЙИШГА АСОС БОР

Аждодларимиз бадиий тафаккурининг улкан ёдгорликларидан бири ҳисобланган Наврўз Ўрта Осиёда яшаган қадимги деҳқонларнинг кўкламни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ ва эзгуликни улуғлаш билан боғлиқ эътиқодий қарашлари асосида келиб чиққан умумхалқ байрамидир. Юксак ижодий салоҳиятга эга бўлган халқимиз маънавий тараққиётининг ҳар бир ютуғидан куч ва қувват олиб, асрлар давомида узлуксиз тараққий этиб келган бу байрамнинг асосий моҳияти она заминни севиш, ҳалол меҳнатни қадрлаш ва кўкламнинг фусункор гўзалликларидан баҳра олишга қаратилган. Қут-барака, мўл ҳосил ва табиатнинг бокира тароватини улуғлаш ғоясини ўзида мужассамлаштирган Наврўз энг ҳаётбахш ва умрбоқий шодиёна сифатида ўлкамизда кенг нишонланади.

Наврўз минг йиллар мобайнида эски йилни якунлаб, янгисини бошлаб берадиган анъанавий байрам сифатида тантана қилинган. Чунки Наврўз қишнинг совуқ кунлари ниҳояланиб, баҳорий яшариш мавсумининг бошланиш нуқтасига тўғри келади. Қадим-қадимдан юлдуз буржлари ва самовий ёриткичлар ҳаракатини муттасил кузатиб, фалак ҳодисалари ҳамда фасллар алмашиниши хусусида улкан билимга эга бўлган аждодларимиз йилбоши байрамини нишонлашнинг аниқ ҳисоб-китобларга асосланган қонуниятларини яхши билганлар. Бу байрам деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигини юргизиш учун ғоят муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам X асрнинг улуғ муаррихларидан бири Абу Бакр Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида «қадимги варахшаликлар янги йил байрамини «наврўзи кишоварзон», яъни «деҳқонлар наврўзи» деб атайдилар» деб ёзган эди. Зеро, бободеҳқонларимиз қадим-қадим замонларданоқ янги меҳнат мавсумини Наврўзи оламдан бошлашга одатланишган.

Ўлкамиз тарихи ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ўзида сақлаган қадимги Чин ёзма манбаларидан бири «Тан сулоласининг тарихи»да ёзилишича, қадимги фарғоналикларда ҳар йили Наврўз байрами катта тантана қилинган. Ўша куни мерганлар қамондан белгиланган нишонга ўқ отиб, ўзларининг тирандозлик санъатларини намойиш этишаркан. Мусобақада ким ғолиб чиқишига қараб, келаётган янги йилнинг ҳосили мўл бўлиши ёки кузнинг камҳосил келиши тахмин қилинар экан. Демак, Наврўз қадимдан қуёш нурининг ҳаётбахшлигини эъзозлаш, деҳқончилик, мўл ҳосил ва кўкламни улуғлаш тантанаси сифатида юзага келган.

Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий аждодларимизнинг Наврўз билан боғлиқ қадимий удумларидан бири ҳақида ҳикоя қилар экан, қуйидагиларни ёзади: «Сиёвуш бу ерда (яъни, Бухорода) ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт ўша жойда турар эди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди ҳамда ана шу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишдаги «Дарвозаи ғўриён» деб аталган сомонфурушлар ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари ҳам бор бўлиб, у барча вилоятларда машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди».

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида Сиёвуш кузда рамзий маънода «ўлиб», эрта кўкламда қайта «тирилувчи» табиат тимсоли сифатида тасаввур қилинган. Шу боис қадимги Бухорода Наврўз байрамининг нишонланиши афсонавий Сиёвуш билан бевосита боғлиқ бўлган.

Шу ўринда юқорида келтирилган иқтибосдаги **«бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди»** жумласига эътиборни қаратайлик. Наршахий «ҳозир» деганида ўзи яшаган даврни, яъни X асрни назарда тутган, албатта. Демак, Наврўзи олам жаҳондаги энг қадимги шаҳар маданияти, деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги анъаналари шаклланган юртимизда қарийб тўрт минг йилдан буён нишонланиб келинмоқда экан.

Наврўзнинг пайдо бўлиши аждодларимиз дунёқарашининг такомиллашишида муҳим ўрин тутган эътиқодий қарашлар тизими — зардўштийлик анъаналари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. «Авесто» талқинига кўра, зардўштийлар табиат ўзгаришлари, фаслларнинг доимий алмашиниши, самовий жисмлар ҳаракати, хуллас, оламдаги ҳаётни ўз изига солиб турувчи муқаддас бир куч бор деб ўйлаганлар. Ҳаётнинг абадийлиги ва серҳосилликни таъминлаб турадиган бу ғайриоддий қудрат «аша» номи билан юритилган. «Аша» — «эзгулик», «ҳақиқат» демакдир. Ёруғлик ва яхшилик тимсоли Аҳура Мазда томонидан яратилган Аша номли маъбуда гўё ана шу эзгу кучларни ўзида мужассамлаштирган эмиш. «Авесто»да айтилишича, Зардўшт етти мўъжиза, яъни сув, тупроқ, ҳаво, олов, ўсимлик, сигир ва одам шарафига еттита байрамни жорий қилган. Еттинчи мўъжиза — олов ҳамда эзгулик ҳомийси Аша шарафига баҳорий удум — Наврўзни ўтказиш анъанаси келиб чиққан.

Демак, Наврўз байрами қиш, совуқ, зулмат билан боғлиқ ёвузликнинг мағлубияти ҳамда иссиқлик, тўкин-сочинлик, барака билан алоқадор кўкламнинг ғалабасини ўзида ифода этувчи тантанадир. Наврўз ризқ-рўзимиз манбаи бўлмиш тупроқни ардоқлаб, зилол сувларнинг бокиралигидан баҳра олиб яшаган қадим аждодларимиз тафаккурининг ноёб дурдонаси сифатида юзага келган. У инсоният ҳавонинг мусаффолигини қалбига туйиб, офтобнинг мўъжизакор зиёсидан ҳайратланиб яшаган даврларда ибтидо топган. Илк баҳор эпкини сабзалар бошини силаб, қор остида осуда ухлаб ётган бойчечакларни уйғотган ажиб фаслда оламни нурга буркайдиган бу байрам боболаримиз далага дон сепишни ўрганган ўша саодатли дамлар маҳсулидир.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши туман ва шаҳарларда ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида фаол иштирок этди. Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар ҳомийлигида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга совға-саломлар улашилди. Гулистон шаҳридаги Турғун Аҳмедов номли маҳаллада бўлиб ўтган байрам шодиёнасида ЎзХДПдан шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар А.Тошматов ва Ш.Раҳимов ҳомийлигида дастурхон ёзилиб, ош тарқатилди. ЎзХДП Ширин шаҳар кенгаши томонидан байрам куни кураш бўйича мусобақа ташкил этилиб, ғолибларга совғалар берилди.

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши вилоят «Экосан» хайрия жамғармаси, шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда Наврўз байрамига бағишлаб, 12-гимназия мактабида «Гуллар ва қушлар» мавзусида қизиқарли кўрик-танлов ташкил қилди. Унда ўқувчилар ўзлари парвариш қилаётган гуллар ва сайроқи қушлар билан иштирок этдилар. Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Хонқа туман ҳокимлиги, ЎзХДП туман кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Томадургадик қишлоғида Наврўз сайли ўтказилди. Байрам шодиёнасида Наврўз оҳанглари, баҳорий куй-қўшиқлар янгради. Турли айтишувлар, миллий урф-одатларга бағишланган саҳна кўринишлари барчани хушнуд этди.

Ушбу туман партия кенгаши ва «Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ акционерлик жамияти ҳамкорлигида Наврўз байрамига бағишланган сумалак сайли ташкил қилинди. Байрамга таклиф қилинган нуронийлар, партия фаоллари учун қизиқарли байрам дастури намойиш этилди. Мазкур меҳнат жамоасининг бир қатор ишчиларига Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

Хонқа шаҳарчасида жойлашган туман ҳокимлиги ижтимоий таъминот бўлимига қарашли ёлғиз яшовчи қариялар жамоат марказида бўлиб ўтган байрам тадбирида ЎзХДП Хонқа туман кенгаши фаол иштирок этди. Партия кенгаши қарияларга байрам совғалари улашди.

ЎзХДП Фурқат туман кенгаши «Қўқон» биофабрикасида Наврўз байрамини уюштирди. Партия кенгаши ҳамда биофабрика мудири ЎзХДП аъзоси М.Каримова ташаббуси билан байрамда ижтимоий ҳимояга муҳтож икки ёшнинг никоҳ тўйи ҳам ўтказилди.

ЎзХДП Данғара туман кенгаши томонидан байрам муносабати билан қатор кам таъминланган оилаларга байрам совғалари тарқатилди.

ЎзХДП Ёзёвон туман кенгаши 21-мактабда ўтказилган Наврўз шодиёнасини ташкил қилишда фаол иштирок этиб, байрамнинг қизиқарли ўтиши, ўқувчиларга совғалар топширилишида ўз ҳиссасини қўшди.

Қарши туманидаги қатор маҳаллаларда ЎзХДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар томонидан байрам тадбирлари ташкил қилиниб, меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар, ёш оилаларга совғалар берилди.

Муборак туманидаги «Дўстлик» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти касб-ҳунар коллежи ва Й.Охунбобоев номли мактаб жамоаси билан биргаликда «Қўчат эк, боғ ярат» мавзусида кўкламзорлаштириш тадбирини ўтказди.

ЎзХДП Акмал Икромов туман кенгаши ва қатор жамоат ташкилотлари бўлимлари ҳамкорлигида байрамга бағишланган «Халқ ўйинлари» мавзусида турли мусобақалар ташкил қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ҲАР ГЎШАДА АЙЁМ ШУКУҲИ

Яшиллик, яхшилик, саховат, меҳр-оқибат каби миллий қадриятларимиз мужассам бўлган гўзал айём — Наврўз қадим Бухоронинг кент ва қишлоқларида ўз шукуҳи, тароватини намойиш этмоқда. Бу улуғ кунга ҳозирлик кўҳна заминда бир ой олдин бошланган боис, вилоятда катта ҳажмдаги кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва хайрия тадбирлари амалга оширилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари халқимизнинг Наврўзи оламга ташналигини яққол намоён этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев. — 625 минг киши иштирок этган бу умумхалқ ҳашарида 3000 гектарни ташкил этган хиёбон, гулу гулзорлар, кўчалар ободонлаштирилди. 2000 километр ариқ-зовурлар тозаланди. 700 га яқин зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, 1 миллион 379 минг дона манзарали, 880 минг дона мевали дарахт ниҳоллари, 931 минг туп гул кўчатлари ўтказилди.

Биргина бу эмас. Энг қувонарлиси шуки, ҳашар йўли билан 46280 квадрат метр уй-жой таъмирдан чиқарилди. Бу покланиш, яшариш ва бунёдкорлик халқимизга хос қадрият эканлигини яна бир марта кўрсатди. Боқувчисини йўқотган, ногирон, бир сўз билан айтганда — эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳашардан бошланган сайлларга мўйсафид шаҳар — Бухоро бу йилчалик қизғин тайёргарлик кўрган эмас. Байрам тонгида Деҳқонбобо, Баҳорой жарчилар ўтирган фойтунларда шаҳар кўчаларини кезиб, барчани сайлгоҳларга таклиф этди. Шаҳар марказидаги амфитеатр, фавворалар майдони, кўҳна Лабиҳовуз, Регистон майдони минглаб одамлар билан гавжум бўлди. Фольклор жамоалари, халқ бадиий ҳаваскорлик дасталари иштирокчилар дилини хушнуд этдилар. Дошқозонлардан элга сумалак тарқатилди.

— Вилоятимизнинг ҳар бир ғўшасида байрам шукуҳи ҳукмрон, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов. — Бир ой давом этадиган Наврўзнинг ҳар куни эсда қолиши учун турли тадбирлар ўтказамиз. Энг яхши ошпазларнинг Наврўз таомларини тайёрлаш бўйича кўрик-танлови, миллий маданий марказларнинг қадриятларимизни кўз-кўз қилувчи кўргазмалари, ҳар хил спорт беллашувлари ўтказилиши фикримизнинг далилидир.

Ҳа, Бухорода Наврўз давом этмоқда. Байрамдан қувват олган деҳқон даласига чигит экиш, чўпон сурувини қўй-қўзига тўлдириш, тадбиркор эса юртда тўкинлик яратиш йўлида қаддини баланд кўтариб, ишга киришгани янги куннинг масъулиятидан даракдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мутахассис фикри

ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШ

БЎЙИЧА САНКЦИЯ ҲУҚУҚИНИНГ СУДЛАРГА ЎТИШИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ масаласига алоҳида эътибор қаратди. Чунончи соҳада апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилгани, тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилгани, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланганини қонунчиликдаги ижобий ўзгаришлар сифатида таъкидлаб ўтди. Президентимиз жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида шундай дедилар: **«Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман».**

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган биринчи халқаро ҳужжат — «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жумладан, жиноят ишларини юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча меъёрлар мавжуд. Чунончи, мазкур Декларацияда «Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга» дейилган.

Конституциямизнинг 44-моддасида ҳам фуқароларнинг ҳар қандай давлат органи ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норози бўлиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланиши белгиланган. Шу муносабат билан эҳтиёт чораси тарзида шахсни қамоққа олишни фақат суд орқали амалга ошириш тартибига ўтиш муҳим саналаади. Бу йўлда биринчи қадам сифатида прокурорнинг қамоққа рухсат бериши устидан судга шикоят қилиш тартибини жорий этиш даркор.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 8-моддаси, шунингдек, «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пактнинг 9-моддаси ҳар қандай ушланган ёки қамалган шахс қисқа вақт мобайнида судга келтирилиши ва қамалишининг асосли ҳамда қонунийлиги суд томонидан текширилиши лозим эканлигини кўзда тутади. Ушбу Халқаро пакт Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 25 августда ратификация қилинган. Демак, прокурорларнинг фуқарони қамоққа олиши устидан норозилик аризасини суд эмас, фақат юқори турувчи прокурорлар кўриб ҳал қилиши, аввало, Халқаро пактга ҳамда Конституцияга зиддир. Ваҳоланки, шахсни қамоққа олиш устидан суд назоратини ўрнатишнинг афзаллиги хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам ўз исботини топмоқда.

Россияда 1992 йил 23 майдаги федератив қонун билан дастлабки тергов ҳаракатлари, хусусан, айбланувчи ва гумон қилинган шахсни эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосли экани устидан суд назорати ўрнатилди. Унга кўра қамоққа олиш тўғрисида прокурорнинг рухсати устидан судга шикоят қилиш тартиби белгиланди. 1992 йилнинг ўзидаёқ Россия Федерацияси судлари прокурорнинг қамоққа олиш рухсатидан норози бўлиб берилган 14387 шикоятни кўриб, 2032 (14,1 фоиз)ни бекор қилди. Қамоқ муддатининг узайтирилганидан норозилик билдирган 752 шикоятдан 163 таси (21,7 фоиз)ни қаноатлантирди. Кузатилишича, кейинги йилларда бунинг натижаси кўринди — шикоят ҳам, прокурорларнинг қарорини суднинг бекор қилиш ҳоллари ҳам кескин камайиб бормоқда. Яъни прокуратуранинг масъулияти ва иш сифати ошган.

Ҳисоботларга қараганда, 2002 йил 1 июлидан 8 сентябригача федерал судлар эҳтиёт чораси сифатида қамашга рухсат сўралган 27090 материални ва қамоқ муддатларини узайтириш сўралган 14768 материални кўриб ҳал қилган. Қамоқ тўғрисида материалларнинг 86,5 фоизи қаноатлантирилган, 9,1 фоизига рад жавоби берилган ва 4,4 фоизини кўриш кейинга қолдирилган. Қамоқ муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосларнинг 91,7 фоизи қаноатлантирилган, 4,6 фоизига рад жавоби берилган ва 3,7 фоизини кўриш кейинга қолдирилган. Қамаш ҳақида судларнинг 2586 ёки 9,5 фоизи қарорлари кассация тартибида берилган шикоят ва тақдимнома асосида кўрилган ва улардан 86,9 фоизи ўз кучида қолдирилган, 12,5 фоизи бекор қилинган ва 0,6 фоизи ўзгартирилган. Қамоқ муддатини узайтириш ҳақидаги материаллар бўйича судларнинг 1478 ёки 10,0 фоиз қарорлари берилган шикоят ва тақдимномалар асосида кассация тартибида кўрилиб, улардан 90,9 фоиз суд қарорлари ўз кучида қолдирилган, 8,2 фоизи бекор қилинган ва 0,9 фоизи ўзгартирилган. Бу рақамлар инсон ҳуқуқини тўлароқ таъминлаш учун суд назоратининг амалий натижа бераётганлигини кўрсатмоқда.

Деярли барча МДҲга аъзо давлатларда қамоқ тарзидаги ёхуд прокурорнинг бу ҳақдаги қарори устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган.

Шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ваколати судларга берилмаса, экстрадиция қилишга оид ЖПК нормаларини қўллашда ҳам жиддий муаммо юз беради. Европа экстрадиция қилиш тўғрисида Конвенцияси (1957 йил), ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида МДҲ давлатларининг бошлиқлари 1993 йилда имзолаган ва 2002 йилда янги таҳрирда тасдиқланган Минск Конвенцияси жиноят содир этишда айбланаётган шахсни бир давлатдан бошқа давлат ихтиёрига бериш (экстрадиция) учун унга нисбатан қамоқ чораси қўлланишини тақозо қилади. Ўзбекистон миллий қонунчилигида бундай шахсларни экстрадиция этиш тўғрисида барча муҳим масалалар ҳал қилинган. Лекин шахсни бошқа давлатлардан Ўзбекистонга экстрадиция қилиш учун унга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган бўлиши шарт. Ҳозирги процессуал тартибга биноан қамоққа олиш тўғрисида прокурорнинг қарорини хорижий давлатларда халқаро ҳуқуқда тан олинган ҳужжат сифатида қабул қилмайдилар ва бу ҳақда фақат суднинг қарори бўлишини талаб қиладилар. Судлар эса ҳозирча бундай ваколатга эга эмас.

Фикримизча, эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича санкция ҳуқуқининг судларга ўтиши миллий қонунчилигимиз ҳамда халқаро меъёрларга мос келади. Энг муҳими, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда бу тан олинган ва самарасини бериб келаётган зарур ислоҳотдир.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят процесси» кафедрасининг ўқитувчиси

МУЗЕЙНИНГ КЎЧМА КЎРГАЗМАЛАРИ

Узоқ қишлоқларда яшовчилар вилоят марказидаги музейга атайлаб келиб кетиши осон эмас албатта, вақт, сарф-харажат керак бўлади.

85 йил давомида фаолият кўрсатаётган вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари бу муаммони ижобий ҳал этишди.

Туман марказларидан тортиб, то чекка қишлоқларгача кўчма кўргазмалар ташкил этилди. Унда XII-XIII асрларга оид ҳарбий аслаҳалар, қўлёзма асарлар, халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда.

Уйчи тумани қишлоқларидан бошланган музей кўргазмаларида кўплаб мўйқалам усталарининг тарихий мавзудаги мойбўёқда ишланган суратлари ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири, Наманган вилояти

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ НИМА УЧУН ВА ҚАНЧА СОЛИҚ ТЎЛАШИНИ БИЛИШИ ЗАРУР

— дейди Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат ЖУЛЛИБЕКОВ

Айтиш мумкин, бугун бу борада вилоятда муайян ишлар қилинаяпти. Хусусан, корхона ва ташкилотларда, қишлоқлар ва маҳаллаларда ҳар қайси солиқ тўловчининг, у хоҳ жисмоний. хоҳ юридик шахс бўлсин, даромадларини яширишга уринмасдан, ўз хоҳиши билан солиқларни вақтида тўлашига эришиш мақсадида уларга ёрдам бериш, бу соҳадаги тушунчаларини бойитиш бўйича мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Натижада солиққа доир жиноятларнинг олди олинмоқда, солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тўлиқ тушиши таъминланмоқда. Шу ўринда вилоятда энг интизомли солиқ тўловчиларни ва солиқ тўловчилар билан ишлашда катта тажриба орттирган солиқ инспекторларини рағбатлантиришнинг яхши йўлга қўйилганини ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Суратда: *Касби туманидаги «Ғалаба Денов» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича участка солиқ инспектори, «Намунали участка давлат солиқ инспектори» вилоят кўрик-танлови ғолиби Мақсуд Шодмонов тадбиркор Муҳаммад Алиев билан суҳбатлашмоқда.*

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Огоҳлик

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

КУРАШМОҚ БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИДИР

XXI асрга келиб, диний экстремизм, халқаро терроризм инсоният учун жиддий хавф-хатар ва таҳдидга айланди.

Бугунги мураккаб вазиятда халқаро террорчи кучлар тажовуз ва хуружларининг олдини олиш, муҳими, ёшларни бузғунчи ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида **«Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, аввалам-бор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор.**

Яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак», — деб алоҳида таъкидладилар.

Диний экстремизга қарши маърифий усуллар билан курашишда кўҳна тарих ва маданиятимиз, аждодларимизнинг улкан илмий-маънавий меросидан самарали фойдаланишимиз зарур. Зеро, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа кўплаб алломаларимиз қолдирган мерос маънавий ҳаётимиз ва дин-диёнатимиз кўзгуси ҳисобланади.

Юртимизда кейинги йилларда аждодларимиз зиёратгоҳлари обод этилаётгани, уларнинг таваллудлари халқаро миқёсда нишонланаётганини бутун жаҳон аҳли яхши билади. Шунингдек, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг диний саводхонлигини ошириш йўлида ўтказилаётган ислоҳотлар изчиллик асосида олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2000 дан ошиқ масжид, 10 та мадраса, Тошкент ислом маъҳади ҳамда Тошкент ислом университети фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол исботидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизда 130дан ошиқ миллат ва элатлар, 16 диний конфессиялар вакиллари тинчлик ва ўзаро бағрикенглиқда ҳаёт кечирмоқда. Умуман олганда, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик-осойишталикни таъминлашда Ўзбекистон бой тажрибага эга, мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ва маданиятлар ривож топган макон сифатида маълум.

Шундай вазиятда диний экстремизм ва терроризм нафақат Ўзбекистонга, балки Марказий Осиё мамлакатларининг барчасига бирдек таҳдид солаётганини айримлар тушуниб етмаяпти, чоғи. Улар «сен менга тегма — мен сенга тегмайман» деган ақидага ёпишиб олишганга ўхшайди. Афсуски, диний экстремизм, терроризм ва сепаратизм учун ҳеч қандай «транзит» мамлакат йўқ. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, **«... бундай тажовузкор кучлар билан «ўйин» қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четга олишга ҳар қандай уриниш катта хатодир».**

Маълумки, Президентимиз диний экстремизм, терроризм миллати, динидан қатъи назар, инсониятга улкан таҳдид эканига дунё жамоатчилиги эътиборини қаратиб, қайта-қайта огоҳлантириб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон амалий таклифлар билан чиқиб, сўнгги йилларда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор илмий-назарий анжуманларни ўтказди.

Уларни юқори савияда ташкил этишда Тошкент ислом университети илмий-педагогик жамоасининг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш ўринли. Университет дунёдаги қатор диний, сиёсий, халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Айниқса, ЮНЕСКО билан ҳамкорлик яхши самаралар бераётир. Ҳозирда университетда жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси фаолият кўрсатмоқда.

Куни кеча Тошкент ислом университетида бўлиб ўтган ЮНЕСКО кафедралари динлараро ва маданиятлараро мулоқотининг Марказий Осиё минтақавий конференцияси **«Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари»** мавзуига бағишланди. Тадбирда хорижий шарқшунос, диншунос олимлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган конфессиялар вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этдилар.

Унда диний экстремизмнинг тарихи ва ҳозирги воқеликдаги ҳолати, маданиятлараро ва динлараро таълимнинг янги йўналишлари, «Диншунослик» фанини узлуксиз таълим тизимига киритиш бўйича республикамизда олиб борилаётган амалий тадбирлар ва бошқа мавзуларда сўз борди.

Анжуман иштирокчилари диний экстремизм ва терроризмни бартараф этишда Ўзбекистонда тўпланган тажриба, изчил амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо бериб, соҳага оид ишларда ўзаро ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирдилар. Муҳими, анжуманда диний экстремизм ва терроризмнинг диндан ёвуз мақсадларда фойдаланиб, зўравонлик билан ҳокимиятга интилишига қарши маънавий-маърифий ва илмий усуллар асосида курашиш долзарб экани алоҳида таъкидланди.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Тошкент ислом университети аспиранти.

Иш соати узайтирилди

Франция парламенти ҳафта иш соатлари чегараланишини кўзда тутувчи қонунни бекор қилиш учун овоз берди. Аввал Францияда бир ҳафта иш соати миқдори 35 соатдан ошмас эди. Янги қонунга биноан хусусий компаниялар иш соати миқдорини 48 соатгача ошира олади. Бу қонун хусусий секторгагина тегишли.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш давомида французларнинг аксарияти 35 соатдан ортиқ ишлашни хоҳламасликлари аниқланди. Сўровномаларни тўлдирганларнинг 18 фоизигина иш ҳафтаси узайтирилишининг тарафдори эканликларини билдиришди.

Сайловлар куни аниқ бўлди

Буюк Британияда сайлов шу йилнинг 5 май куни ўтказилиши мўлжалланмоқда. Мамлакат бош вазири Тони Блэр пасха байрамларидан кейин Букингем саройига расмий ташриф буюриб, қиролича Елизавета II нинг амалдаги парламентни 4-5 апрелда тарқатиб юбориш ҳақидаги расмий санкциясини олмоқчи.

Ҳукмронлик қилаётган Лейбористлар партияси хабар беришича, парламент тарқатилганидан кейин бир ҳафта ўтгач, сайловолди жараёни бошланади.

Савдо марказида портлаш

Ливаннинг Каслик шаҳри савдо марказида рўй берган портлаш оқибатида икки киши ҳалок бўлди яна учтаси жароҳатланди.

Каслик Байрут шаҳридан 15 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда асосан насроний динига мансуб аҳоли яшайди.

Чумолилар кўпаярмиш

Олимларнинг фикрича, жаҳонда рўй бераётган иқлим ўзгариши оқибатида ҳашаротлар томонидан янги хавф туғилиши мумкин. Яъни қутилмаганда чумолилар сони кескин ошиб кетиши тахмин қилинмоқда. Олимлар турли иқлим ҳудудларида жойлашган чумолиларнинг 665 та тўдасини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келишди.

Иқлим ўзгариши, яъни обҳавонинг исиши оқибатида чумолиларда мутация жараёни рўй бериб, уларнинг бўйи уч баробарга қисқарар экан.

— Иқлимнинг ўзгариши модда алмашувини кучайтиради. Шунга боғлиқ митти ҳашаротларнинг кўпайиш суръатлари ҳам тезлашади, дейишмоқда олимлар.

Оила — тараққиёт гарови

Европа давлатлари ўз сиёсатларини белгилаш чоғида оила қуриш масаласига кўпроқ эътибор бериб, иммиграцияни рағбатлантиришлари керак. Бунга сабаб ишга қодир бўлган европаликлар сони камайиб бораётганидир.

Бу ҳақда Европа комиссияси томонидан яқиндагина эълон қилинган ҳисоботда айтилди. Ҳисоботда иммиграция бўлмаса Европа аҳолиси анча камайиб кетиши мумкинлиги қайд этилган.

Туғилиш кўрсаткичлари камайиб, узоқ умр кўрувчилар, яъни пенсионерлар сонининг ошиши Европа Иттифоқининг бутун ҳудудида жиддий иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин экан.

2030 йилга келиб ЕИ ҳудудида 80 ёшдан ошган 35 миллион одам яшайди. Бу кўрсаткич ҳозиргидан икки баробар кўп дегани. Энг қизиғи эса, болалар сони 18 миллионга камаяр экан.

Ҳужжат муаллифлари иммиграциянинг ўзи барча масалаларни ҳал қилмаслигини тан олишган. Бироқ Европа мамлакатларининг гуллаб-яшнашини таъминлаш учун «муҳожирлар оқимини ошириш керак бўлади».

— Ишларнинг бу тартибда йўлга қўйилиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларига таъсир қилади, — деди ЕИнинг ижтимоий масалалар бўйича комиссия раиси Владимир Спидла.

Еврокомиссиянинг фикрича, болаларга тўланадиган ёрдам пулларини ошириш, бола тарбияси учун ажратиладиган таътил муддатини кўпайтириш ҳамда болалар саломатлигини сақлаш тизимини яхшилаш туғилиш суръатларини оширишга ёрдам беради.

Бироқ бу муаммони ҳал қилиш осон эмас. Чунки, энг аввало, бола тарбияси билан банд бўлиб, хизматга қайтган аёлларни ишга қабул қилмаслик ёки уларни «номуносиб она» деб ҳисоблаш анъанасига чек қўйиш керак.

Хуршид РАУПОВ тайёрлади

24 март — Бутунжаҳон сил касалликларига қарши курашиш куни

БАХТ — ТАН СИҲАТЛИКДА

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти директори, ЎзРФА академиги профессор Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбат.

— Абдулла Мухаррамович, бугунги кунда силга чалинганлар дунёнинг исталган бурчагида топилади. Айтингчи, «қашшоқлик касаллиги» деб ҳам айтиладиган сил нега ривожланган мамлакатлардаям учраяпти?

— Инсоният бундан минг йиллар илгариям силдан жабр чеккан. Тиббиёт фанининг асосчиларидан бири Абу Али ибн Сино уни «юқумли касаллик» деб таърифлаган. Шунингдек, аллома: «Носоғлом ҳаёт тарзи, нотўғри овқатланиш, ифлослик, ночор ижтимоий аҳвол касалликнинг манбаи»лигини таъкидлаган. Орадан 900 йил ўтгач немис олими Роберт Кох 1882 йилда тиб илми отасининг фикрини тўла-тўкис эътироф этди ҳамда хасталикни сил таёқчаси (уни тиббиётда Кох таёқчаси деб аташади) чақиришини аниқлади. 1982 йил 24 мартда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сил таёқчаси топилганининг 100 йиллиги муносабати билан бу кунни Бутунжаҳон силга қарши курашиш куни деб эълон қилди.

Дарҳақиқат, сил юқумли касаллик. «Қашшоқлик касали» дейилишининг боиси, қачонки, қаерда тоза ичимлик суви танқис, экологик ҳолат бузилган, оилада носоғлом турмуш тарзи, салбий ижтимоий омиллар мавжуд бўлса, айниқса, оила гигиенаси, шахсий гигиенага амал қилинмаса, нотўғри овқатланилса, бир сўз билан айтганда, тиббий маданий савия паст бўлса, шу ҳудуд аҳолиси орасида сил касаллиги кўп учрайди. «Қашшоқлик» деганда очлик ночорликни эмас, балки салбий ижтимоий омилларни назарда тутиш керак.

Савол туғилади. Хўш, нега унда бугун Европа, Америка, Япония, умуман дунёнинг тараққий этган давлатларидаям сил хасталиги учрамоқда. Катта шаҳарларга бошқа турмуш даражаси нисбатан паст ҳудудлардан иш излаб келаётганлар, яъни миграция жараёни бунга сабаб бўлмоқда. Иш қидирувчилар сил таёқчаларини қитъалар оша ташиб юради. Масалан, 1986 йилда Нью Йоркда сил эпидемияси юз берди. Бу миграция сили, дейилади.

Мен кўплаб Европа мамлакатларида бўлганман. Қизиғи шундаки, улар сил касалига чалинишмайди. Лекин Осиё, Африка, Ҳиндистон, Покистон ёки бошқа ҳудуддан иш қидириб борганлар ерли аҳолига силни юқтиришади. 1998 йилда Венада брон-ўпка касалликларига бағишлаб ўтказилган конгрессда австриялик профессор Куммер билан учрашдим, фикр алмашдик. Унинг айтишича, Венадаги минг ўринли кам таъминланганлар шифохонасида бир йилда 4 нафар бемор силга чалинганлиги аниқланган. Уларнинг биттасигина веналик, қолганлари «келгинди». Аслида Европа, Америкада 100 минг аҳоли сонига нисбатан сил 20 тадан кам, бу тиббиётда «сил йўқ ҳудуд» деб аталади.

Ер юзида сил Африка мамлакатларида энг кўп тарқалган. Қитъада 100 минг аҳоли сонига нисбатан 300-400 нафар бемор борлиги қайд этилган.

Мендан кўп сўрашади: «Бахт нимада? Қандай қилсам бахтли бўламан? Шундай кезлари мутахассис сифатида: аллома Абу Али ибн Синонинг: «Бус-бутун бахт — тан сиҳатликда» деган ўгитини такрор айтаман. Лекин қалбимнинг тубида оғриқ туради.

Нега одамлар сил касаллигидан қўрқади, нимага беморлардан ўзларини олиб қочадилар? Аммо уни келтириб чиқарувчи омилларнинг илдизини қуритишга келганда лоқайдлик қиладилар. Бир чеккаси биз ўз соғлиғимиз учун касал бўлгандан кейин қайғурамиз, мен буни бошқа нажот қолмагач, мажбур бўлиш деб биламан. Соғлиқ учун масъуллик ҳисси, тушунчаси бизда жуда паст.

Кези келганда, айтиб ўтмоқчиман. Хорижда бўлганимда, кўп кузатдим, одамлар саломатликлари хусусида ўзлари жон куйдиришади. Тўғриси, «қайғуриш» уларнинг турмуш тарзига шунчалик сингиб кетганки, одамлар эрталаб туриб югуради, вақтида, меъёрида, тартибли овқатланади, дам олади, кўнгилочар ўйинларга боради. Қуёшда тобланиш, чўмилиш очиқ ҳавода сайр қилишга алоҳида вақт ажратишади.

Бир мулоҳаза. Вилоятларга чиқсангиз (ҳатто пойтахтдаги баъзи маҳаллалардаям!) хўжаликларда ҳаммом йўқ, янги қурилаётганини ҳам кўрмадим. Танани озода тутиш, ҳар куни чўмилиш, ювиниш инсонни барча хасталиклардан, шунингдек силдан ҳам сақлайди.

— Айтингчи, инсон ўзини, оила аъзоларини, яқинларини қандай қилиб бу касалликдан ҳимоя қилиши мумкин?

— Республикамиздаги аҳволга тўхталсак, Марказий Осиё давлатлари ичида силга чалинган беморлар сони жиҳатидан энг паст кўрсаткич бизда қайд қилинган. Лекин бу биз силдан холимиз деб хотиржам бўлишимизга асос бўлолмайди.

Сил касаллиги турли ёшлардаги инсонларда учраши мумкин. Хавфли томони сил одам организмида — оёқдаги тирноқдан то сочгача, ҳамма аъзоларнинг фаолиятини издан чиқаради.

Сил — юқумли касаллик. Лекин у бедаво эмас. Вақтида олди олинса, бемор бу хасталиқдан бутунлай тузалиб, ундан фориғ бўлиб кетиши мумкин. Афсуски, одамлар баъзан бронхит, зотилжамни силдан фарқлай олмай вақтни бой бериб қўядилар. Силнинг белгилари — одам астасекин қувватдан қолади, силласи қурийди, боши айланади, сал ҳаракатдан қора терга тушади, озиб-тўзиб, кескин вазн ташлайди, қисқа-қисқа йўталади. Яна бир муҳим ҳиҳати — тунги соат 21-22 лардан кейин сурункасига иситма кўтарилиб туради. Афсуски, баъзи шифокорлар ҳам лоқайдлик, тажрибасизлик қилиб беморни зотилжам, бронхит деб ойлаб муолажа қилаверади. Оқибатда беморнинг ўпкасида салбий ўзгаришлар содир бўлади. Унутмаслик керак, модомики, беморнинг уч ҳафтада муолажадан кейин ҳам йўтали босилмаяптими, демак, у бронхит эмас, силга чалинган. Дарҳол бемор врачга мурожаат қилиб, кўкрак қафасини рентген-флюографик текширишдан ўтиши шарт.

Ўпкасида тешик пайдо бўлган бемор «фаол сил тарқатувчи»лар сирасига киради. У энди атрофдагилар учун хавфли, дарҳол уни «изоляция» қилиш, яъни «ажратиш» керак. Чунки бемор йўталганда атрофга сил таёқчаларини тарқатади. «Фаол сил тарқатувчи» йилига 10-15 нафар одамга касаллик юқтиради. Агар 100 нафар одамнинг баданига сил таёқчаси тушса, шундан 10 киши хасталанади. Чунки 90 кишининг организмида касалга қарши иммунитет бўлиши мумкин. Агар инсон доимо тартибли овқатланса куч-қувватли, дори-дармонга бой кўкат, сабзавотларни истеъмол қилса жуда фойдали. Йилда бир марта бутун оила аъзолар билан қимиз ичишни тавсия этардим. Қимизнинг таркибида 8% ёғ бор, витаминлар кўп. Мана, Намангандаги «Пахтали кўл» сиҳатгоҳида беморлар қимиз билан даволанади.

Касаллик насл сурадими? Йўқ, у ирсий касаллик ҳисобланмайди. Аҳоли орасида оиласида силга чалинган бемор бўлса, қуда-андачилик қилишдан чўчишади, иккиланишади. Баъзан бир оилада 2-3 киши сил бўлади, бунга сабаб касалликни келтириб чиқарувчи омилларнинг бир хиллигидир.

Сил таёқчасининг яна бир хавфли томони, у ҳатто 5-10 йиллаб, бекиниб ётиши, вақти келиб ривожланиши ва касалликка мойиллиги бор одамга юқиши мумкин.

Касалдан сақланишнинг энг оддий йўли — яшаш жойлари, хоналарни тоза, ораста сақлаб, эрталаб 20-30 дақиқа дераза-ларни очиб шамоллатиб туриш лозим. Энг муҳими, қуёш нури хоналарга тушиши керак. Сил таёқчалари қуёшнинг ультрабинафша нурларида дарҳол нобуд бўлади.

Ҳар бир одам организмида сил таёқчаси мавжуд бўлсада, лекин у безовта қилмайди. Аммо одам оғир аҳволга тушиб қолса, айтайлик, узоқ оч юриш, ижтимоий қийналиш, руҳий тушкунликка йўлиқса, «таёқча» ўз кучини кўрсатади. У энди фаол сил тарқатувчига айланади-қолади.

— Мутахассис сифатида, бу борада сизда яна қандай мулоҳазалар бор?

— Очиғи, ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўп. Узоққа бормайлик, пойтахтда, вилоят, ҳатто туман марказларида хусусий шифохоналар бор. Тўғри, улар баҳолиқудрат эл соғлиғи йўлида хизмат қиляпти. Аммо баъзиларида тажриба, билим етишмайди.

Ҳозир клиникамизда кўплаб бемор даволаняпти. Уларнинг орасида ана шундай хусусий шифохоналарда даволаниб, вақтни бой берганлари ҳам бор. Одатда, одамлар сил деса, ўпка силини тушунади. Лекин сил тананинг барча аъзоларида учрайди. Ва улар ўпкадан ташқари сил дейилади. Афсуски, биз бундай беморнинг соғлиғини тиклашга қийналамиз, баъзан улар бир умр мажруҳ бўлиб қоладилар. Яқинда клиникамизнинг бир гуруҳ шифокорлари вилоятларда бўлишди, 18 яшар бемор қизни клиникамизга олиб келдик, унга сил менингит ташҳисини қўйдик, аҳволи оғир. Бу беморни бир йилдан буён ҳар хил шифокор, ҳар хил ташҳис ҳар хил усул билан муолажа қилган.

Бундай ҳолатлар, минг афсуски, тез-тез учраб турибди. Мана, яна бир мисол. Самарқанд туманида бир табиб, шифокор чиқибди, уни реклама қилишяпти: «Астмани 100 фоиз тузатади!» деб. Мен Жаҳон ва Европа сил касалликлари жамиятининг аъзосиман. Ҳали дунёда астмани юз фоиз даволай оладиган мутахассис борлигидан хабарим йўқ экан. Дунё тиббиётида қабул қилинган: астма наслдан-наслга ўтадиган касал, фақат бундай беморлар ўз вақтида даволаниб, умрларини узайтирадилар...

Жамиятнинг тараққиёти халқ саломатлигига боғлиқ. Зеро, эл соғлиғи — бебаҳо хазина. Инсоннинг бойлиги — тан-сиҳатлигидалигини унутмаслик керак.

Суҳбатдош:
Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

«ЎЗДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Термиз шаҳридаги ирригация иншоотини қайта қуриш ва мукаммал таъмирлаш ишларини фойдаланишга тайёр ҳолда бажариш. Бошланғич нархи — 94,93 млн. сўм. Қурилиш муддати — 300 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят Термиз шаҳри Ободонлаштириш бош бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 13-уй, 3-қават Тел: 3-62-32

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 13-уй, 3-қават.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан)

Объектлар номи:

1. «Ўзбекистон тумани Худоёрхон, Дастурхончи қишлоқлари учун 3,1 кмга юқори босимли келтирувчи газ қувури қурилиши».

2. «Бешариқ тумани Ўттизамбар, Қипчоқ ва Қўриқ қишлоқлари учун 4 кмга юқори босимли келтирувчи газ қувури қурилиши».

3. «Фарғона шаҳридаги тиббий ёрдам маркази учун 18 ўринга реанимация бўлими қурилиши».

Буюртмачи: Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон — факс: 24-24-33, 24-32-06.

Қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон/факс: 24-18-71, 24-18-76 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси).

ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ

Биология фани ўқитувчиси Жолмурод Саидмуродов Термиз шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли 12-умумтаълим мактабида қирқ беш йилдан бери ёш авлодга сабоқ бериб келади. 2003 йилда унинг кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланди ва унга «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвон берилди. Шуниси эътиборга моликки, Жолмурод аканинг умр йўлдоши Хадича опанинг касби ҳам муаллимлик. Айни пайтда оиланинг яна уч аъзоси: ўғиллари Ҳикмат, қизлари Соҳиба ва Лобарлар ҳам ота-оналари изидан боришиб, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли касбни эъзозлашмоқда.

✧✧✧

Суратда: Халқ ўқитувчиси Жолмурод Саидмуродов ёш ўқитувчилар билан суҳбатда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Футбол

РАҚИБИМИЗ — ҚУВАЙТ ЖАМОАСИ ҲАҚИДА

Қувайт Арабистон ярим оролининг шимоли-ғарби — Форс кўрфазида жойлашган бўлиб, мамлакат футбол федерацияси 1962 йилда ФИФАга, 1964 йилда ОФКга аъзо бўлган. Қувайт терма жамоаси дастлабки халқаро ўйинларидаёқ Баҳрайн устидан 5:3 ҳисобида муваффақият қозонган (1969 йил). Шундан сўнг, мамлакат футболи тез суръатларда ривожланди, 1982 йилга келиб терма жамоа Испанияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этди. Шунингдек, қувайтликлар Осиё кубоги соҳиби, Форс кўрфази кубогининг тўққиз карра ғолиби бўлишган.

Ўлкада ўн тўртта профессионал футбол жамоаси бор. Миллий ўйингоҳи «Ал-Қодисия» бўлиб, 25 минг томошабинга мўлжалланган. Шунингдек, пойтахтда «Ал-Араби,», «Ал-Казма», «Ал-Қувайт» ва «Ал-Салмийя» каби стадионлар мавжуд. Қувайтликлар Ўзбекистон терма жамоаси билан 1998 йили Таиландда ўтган XIII Осиё ўйинларида ўзаро рўбарў келган. Мазкур учрашувда 3:3 ҳисоби қайд этилган.

Эътибор берган бўлсангиз, рақибларимиз ҳамюртларимизга нисбатан кўпроқ совринларни қўлга киритган. Тўғри, «бу ўтмиш, унинг бугунги футболга алоқаси йўқ», дейишингиз мумкин. Лекин, Қувайт футболи ривожланишдан тўхтаб қолгани йўқ. Маҳаллий клубларга маҳоратли легионерларнинг жалб этилиши, терма жамоада чет эллик мураббийнинг фаолият кўрсатиши ва кўплаб ўртоқлик учрашувлари мамлакат футболи савиясини кўтарди.

Ёдингизда бўлса, Қувайт терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг иккинчи босқич йўлланмасини хитойликлардан тортиб олган эди. Бундан ташқари, қувайтликлар мавсум арафасида Норвегия, Сурия ва КХДР терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларида иштирок этишди. Жамоадаги энг катта ўзгариш сербиялик Слободан Павковичнинг бош мураббий этиб тайинлангани бўлди.

Рақибимиз тайёргарлик борасида ҳам яхши имкониятга эга. Барча футболчилар ички чемпионатда тўп сургани боис, терма жамоа йиғинларини ташкил этиш муаммо эмас. Қувайтликлар бир ойдан ошиқ вақт мобайнида ўқув-машғулотларини ўтказишмоқда. Бундан ташқари, мазкур мамлакатда ички чемпионат ўйинлари октябрь-май ойларида ўтказилади. Демак, қувайтлик футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ўйин амалиёти айни тобида, дейиш мумкин.

Қувайт терма жамоаси янги бош мураббий қўл остида дастлабки учрашувни ўтган турда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтказиб 0:2 ҳисобида имконияти бой берди. Гарчи, бу мағлубиятга об-ҳавонинг ноқулайлиги сабаб қилиб кўрсатилган бўлса-да, мутасаддилар хаталардан етарлича хулоса чиқаргани тайин. Ҳозирча бирорта очкога эга бўлмаган ва ўз майдонида тўп сурадиган қувайтликларнинг ҳужумкор ўйин кўрсатиши табиий.

Мамлакатимиз терма жамоаси мураббийлари қувайтликларнинг бу имкониятларини ҳисобга олишган, албатта.

Анвар САМАДОВ

БИТТА КУМУЩ, ИККИТА БРОНЗА

Варшавада бокс бўйича машҳур боксчи Феликс Штамм хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир якунланди. Унда мамлакатимизнинг «чарм қўлқоп» усталари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Олти вазн тоифасида рингга кўтарилган боксчиларимиздан уч нафари юртимизга совриндор бўлиб қайтди. Дунёнинг ўн етти давлатидан спортчилар қатнашган мазкур нуфузли мусобақада Отабек Мамажонов (51 кг) кумуш, Раҳмонбек Тошматов (48 кг) ҳамда Жаҳонгир Сувонқулов (60 кг)лар бронза медали билан тақдирланди.

Айни пайтда Ўзбекистон терма жамоасининг иккинчи таркиби Бокуда ўтаётган Аҳмад Чаудри халқаро турнирида қатнашмоқда. Ушбу турнирнинг ғолиб ва совриндорлари 28 мартда аниқланади.

Зуҳра Аъзамовна САИДАМИНОВА

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси раиси Зуҳра Аъзамовна Саидаминова ҳаётдан кўз юмди. Бешафқат ўлим ажойиб ташкилотчи, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш фидойиси бўлмиш инсонни орамиздан олиб кетди.

Зуҳра Аъзамовна 1946 йилда Тошкентда туғилган. У 1973 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кибернетика факультетини тугатган. 1979 йилда иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган.

Истиқлол йилларида Зуҳра Аъзамовна ўзининг жамоатчилик фаолиятини янада кучайтирди. Қисқа муддатда эфир мойлари ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этиб, ишга туширди. Тадбиркор аёллар уюшмасининг фаол аъзосига айланди. Кўпгина аёлларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашди. Унинг ташкилотчилик қобилияти кейинги саккиз йил ичида, яъни Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси раиси лавозимида ишлаганида тўлақонли намоён бўлди.

Зуҳра Аъзамовна Саидаминова кўплаб китоблар муаллифидир. У 2001 ва 2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг «Аёллар ўртасида энг яхши ихтирочи» танловида ғолиб бўлганди.

Ажойиб инсон, меҳрибон она ва устоз Зуҳра Саидаминованинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбларимизда сақланади.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси. «Меҳр» нодавлат ташкилотлар бирлашмаси, «Иқбол» ёшлар маркази, «Сабо», «Ҳамса» нодавлат ташкилотлари жамоалари.

ЧФ «AL-TAS», Акмаль-Икрамовский район, г.Ташкент, код ОКПО15951111
ПЕРЕОБРАЗУЕТСЯ
В СП «VAN-TAS MDM». Правопреемником является СП «VAN-TAS MDM». Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул. Ташходжаева, 8. тел: 154-09-84

Луқма

ДЎППИ КИЙГАН ЧУМЧУҚ, ХИЖОЛАТДА ҚОЛГАН ИТ

ЁКИ ТАРЖИМОН КАШФИЁТИ

Таржима — халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган, қалбларни туташтирадиган улкан маънавий кўприк. Асрлар бўйи таржимонларнинг заҳматли меҳнати туфайли Шарқ ва Ғарбда яратилган бадиият дурдоналари, тафаккур хазиналари қитъалар, мамлакатлараро дўстлик, тинчлик, эзгулик уруғларини сочиб, маданият тараққиёти йўлида хизмат қилган. Айни замонда таржима юксак санъат, маҳорат мактаби. У она тилининг бойлиги, жозибаси, гўзаллигини намойиш қиладиган улкан ижодий майдон. Шу туфайли унга ҳар доим катта масъулият, талабчанлик билан ёндашилган.

Бу санъатнинг оғир, заҳматли меҳнатини зиммасига олиш, машаққатларига чидаш осон эмас. Таржимон энг аввало катта салоҳият эгаси бўлиши керак. У ўзга тилни қай даражада яхши билса, ўз она тилини ҳам шунчалик чуқур билиши, нозик маъноларини теран ҳис қилиши, ўткир иборалар, ҳикматли сўзлар, мақол-маталлар, ҳаётий ҳодисалар, турмуш икир-чикирларини маҳорат билан гавдалантира олиши лозим. Акс ҳолда у, болқор шоири Қайсин Қулиев киноя қилганидек, бошқа бировнинг учқур арғуғоғини қирчанғи отга ёки соғин сигирга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Мен яқинда газеталаримиздан бирида И.Тургенев сочмаларини Шарафиддин Кўнчи таржимасида ўқиб, ҳайратдан лол қолдим. Аввало, улуғ рус адибининг санъаткорона ёзилган бу мўъжаз асарларини газетхонлар ҳукмига ҳавола этилгани таҳсинга сазовор. Чунки кейинги пайтларда «Жаҳон адабиёти» журналини ҳисобга олмаганда, газета-журналларда таржима асарлари кам эълон қилинмоқда. Лекин, афсуски, Ш.Кўнчи таржимасида юқоридаги яхши ниятни хиралаштирадиган кўп нуқталар кўзга ташланади. Маълумки, И.Тургенев асарлари ўзбек тилига ўтган асрнинг 20-30-йилларидан бери таржима қилинади. Адибнинг таржимонлари орасида Йўлдош Шамшаров, Мирзиёд Мирзоидов сингари моҳир тил билимдонлари бор. Улар бадиий матнларни аслият даражасига етказиб ағдара олганлар. Хусусан, биз тилга олаётган сочмалар раҳматли Мирзиёд Мирзоидов таржимасида (адиб «Сайланма»сининг 5-жилдида) 1975 йилда Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган эди. Шундай экан, ўқувчи дилида турли саволлар туғилиши табиий. Аввало, наҳотки Ш.Кўнчи бу нашрдан хабардор бўлмаса? Балки уни аввалги таржима қаноатлантирмагандир? Ёки у М.Мирзоидов билан ижодий мусобақага киришмоқчи бўлганми? Ҳарқалай, бундай анъана ҳам таржимашунослик тажрибасида учраб туради. Охирги мулоҳаза, М.Мирзоидов И.Тургенев сочмалари таржимасини қиёмига етказа олмаган, ҳеч бўлмаганда, баъзи жойларини чиқаришда оқсаб қолганмикин? Бу саволларга жавоб топиш учун янги таржимани аввалгиси билан қиёслаб кўрамиз. Аслият билан солиштирамиз... ва Ш.Кўнчи таржималари оддий ҳаваскорлик даражасидан нарига ўтмагани, бадииятдан йироқлиги, жўнлигини кўриб, ҳайратимиз ўн чандон ошади. Мана, адибнинг машҳур «Чумчуқ» сочмаси унинг «талқини»да: **«Овдан қайтаётиб боғ йўлкасидан кетиб борардим,** итим мендан **олдинда югурди.**

Бир вақт у **юришни секинлатди** ва **олдида овланган қуш ётгандек** (?) писиб бора бошлади. Йўлкага қараган эдим чумчуқ боласини кўриб қолдим: **тумшуғи атрофини сариқ эт босган, (?) бошида пар дўппи (!)** бор эди...»

«Менинг итим секин-аста унга яқинлашиб борар экан, бирдан шу яқиндаги **дарахтдан туриб отилган** кўкраги қора **мода чумчуқ** парларини ҳурпайтирган, тап тортмаган ҳолда чирқиллаб, **итнинг очилган оғзи сари икки марта ташланиб учди...»**

«Мен **хижолатда қолган итни** апил-тапил чақириб олдим ва **ҳурмат-эҳтиром билан** нари кетдим...» «Ҳа, мен шу **қаҳрамонона кичкинагина қушни,** унинг **меҳру-муҳаббатини ҳурмат-эҳтиром қилдим...» «Ҳаёт** деганимиз шу **меҳру муҳаббат** туфайлигина **тирикдир».**

Ҳурматли ўқувчи! Бу парчани яна бир синчиклаб ўқинг. Қайси ўзбек кишиси шу алфозда гапиради, фикр юритади? Ҳаракат тасвирини кўринг. Бир жумланинг ўзида «овдан қайтаётиб», яна «кетиб борардим». Бундай такрорга ҳожат борми? Бадиий ижодда «сўз иқтисоди», яъни уни тежаб-тергаб, ўрнига қўйиб ишлатиш маҳоратнинг биринчи белгиси ҳисобланади. Ш.Кўнчи эса аслиятдан узоқлашиб, жумлаларни ҳаддан ташқари чўзиб, сунъийлаштириб юборади, жонли тилдан узоқ, ортиқча сўзларни ўринсиз ишлатаверади. Таржимон феъл замонларига умуман эътибор бермайди: «Ит... олдинда югурди», «У юришни секинлатди», «олдида овланган қуш ётгандек...». Бу ҳам майли. Энди чумчуқ боласини кўринг: «бошида пар дўпписи бор» эмиш. Қойил-э! Тилда кашфиёт бўлса, шунчалик бўлади-да!

Кейинги «топилма» ҳам бундан қолишмайди. Лирик қаҳрамон «хижолатда қолган итни» (!) чақириб олади. Хижолат бўлиш инсоннинг маълум бир вазиятдаги ҳолати, аҳволига боғлиқ руҳий ҳодиса. Энди итнинг хижолатда қолишини бир тасаввур қилиб кўринг. Кейинги жумла ҳам бутунлай пала-партиш: «қаҳрамонона кичкинагина қушни, унинг меҳр-муҳаббатини ҳурмат-эҳтиром қилдим». Ўзбек тилида чала-ярим қилиб «қаҳрамонона қуш» дейилмайди. «Қаҳрамон қуш» дейиш мумкин, аммо қушга нисбатан бу сифат ёпишмайди. «Қаҳрамонларча курашган қуш» деса бўлади, аммо бу ўринда ҳам ифода ғализлиги, сунъийлик мавжуд ва ҳоказо.

Энди аслиятни ўқиб кўрамиз: **«...Вдруг она уменьшила свои шаги и начала красться, как бы зачуяв перед собою дичь».** М.Мирзоидов бу содда ва ихчам тасвирни шундай ағдаради: «... Бирдан у қадамини секинлатди-ю, ўлжани сезгандек, пусиб олға бора бошлади». Аслиятдагидек аниқ ва равшан, ортиқча сунъий ифодалар ғализликлар йўқ. «Ўлжани сезгандек» («овланган қуш ётгандек» эмас!) ифодаси нақадар ўзбекона жаранглайди! Таржимон чумчуқча тасвирида ҳам халқона ифодалар, жонли тилимизда мавжуд сўзларни ўринли топиб ишлатади: **«Хиёбон** четига қарасам, тумшуғининг ёни қизил, бошида яккамдуккам туки бор («бошида пар дўппи...» эмас!) **темир қанот** чумчуқ турибди. Шамолда у қайиндаги инидан тушиб кетганди. **Палапон** энди чиқа бошлаган қанотларини кериб, чор-ночор турарди». Таржимада ортиқча сўзлар йўқ, аслиятга яқин ифодалар («темир қанот», «палапон») тасвирга ҳаётийлик, жонли руҳ буғишлайди. Мана бу тасвир ҳам таржимон чуқур изланиш йўлидан борганлигини кўрсатади: «Унинг патлари ҳурпайган, **важоҳати** хунук эди, жон ҳолатда. аянчли чирқиллаб, итнинг тишлари кўриниб турган очиқ оғзи томон **устма-уст** сакради». Тўғри, аслиятда «пригнул раза два» дейилган. Аммо бу ифода сўзма-сўз таржима қилинса, маъно ғализлашиб кетади. М.Мирзоидов буни яхши ҳис этган.

Ш.Кўнчи томонидан ағдарилган ва илгари таржима қилинган «Какликлар», «Дарахтларим», «Ёзувчи ва танқидчи» сочмалари ҳам бадиий жиҳатдан юксак эмас. Улар ўзбек тилига хос гўзал жозибадан маҳрум бўлиб, жўн машқлар доирасида қолиб кетган. М.Мирзоидовнинг гўзал таржималари турган жойда бу ғалати таржималарни қайта ағдаришга қандай маънавий зарурат борлигини тушуна олмадик.

Табиийки, ҳеч кимга «қўлингга қалам олма», «ёзма», «таржима қилма» деганга ўхшаш кўрсатма бериб бўлмайди. Аммо, минг афсуски, ҳар бир ёзилган ёки таржима қилинган нарса санъат асари бўлиб қолавермайди. Айниқса, даҳо санъаткорларнинг асарларига беписанд қўл уриб, уларни ўртамиёна ижодкор даражасига тушириб қўйишни ва охир-оқибатда минглаб ўқувчилар, мухлислар дидини ўтмаслаштиришни ҳеч қанақасига оқлаб бўлмайди. Албатта, ҳар қандай ҳунар каби бадиий ижод, жумладан таржима ҳам дастлаб ҳавасдан, маълум бир иштиёқдан бошланади. Истеъдоди бор киши ўқиб-ўрганса, қунт билан меҳнат қилса, изланса, бирон-бир самарага эришиши ва табиийки, ўз ижод маҳсули билан кўпчиликни баҳраманд қилиши мумкин.

Аммо бир умр оддий ҳаваскорлик даражасидан кўтарила олмаган киши ўз ҳаддини, иззат-ҳурматини билиб, ўзига муносиб иш тутгани яхши.

Яна бир муҳим нуқтага эътиборингизни тортаман. Бу — маънавий ҳуқуқ масаласи. Аввал таржима қилинган асарга қўл ураётган одам ҳеч бўлмаганда «бу асарни фалончидан ўтказиб таржима қила оламанми-йўқми?» деган мулоҳазани жиддий ўйлаб кўриши лозим. Санжар Сиддиқ ёки Усмон Носирнинг таржималари мумтоз асарларга айланиб кетганини ҳамма билади. Эркин Воҳидов «Фауст»ни, Сергей Есенининг шеърларини, Абдулла Орипов «Илоҳий комедия»ни ўзбек китобхонининг маънавий мулкига айлантириб катта таржима мактаби яратганлар. Эртага ўртамиёна бир қаламкаш «Боғчасарой фонтани» ёки «Демон»ни таржима қилдим деб кўтариб келса, индамай босиб чиқаравериш керакми? Бунга ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Бадиий таржима шунчаки кўнгилхушлик эрмаги эмас, у жуда юксак, масъулияти ниҳоятда улкан санъат. Уни ана шу баланд илоҳий чўққилардан ерга тушириб, қадрини пасайтириб қўйишдан эҳтиёт бўлайлик.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЧИЛЛАКИ ЧИЛЛАКИНИ КЎРИБ, ЧУМАК УРАДИ

(чиллаки — узумнинг энг эрта пишар тури.) Чумак урмоқ — ранг олиб, қизариб, пиша бошламоқ. Одатда қизил чиллакининг бир бошидаги (хўшасидаги) бирорта ғужумга қизил хол тушса, яъни у чумак урса, бошқа ғужумлар ҳам кетма-кет чумак ура бошлайди ёки бир туп тоқдаги чиллаки бир кун илгари чумак урса, эртасига бошқа туплардаги чиллакилар ҳам чумак ура бошлайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Одамлар ҳам бир-бирларидан ақл ўрганиб, илму ҳунар ўрганиб, бир-бирларидан ибрат, ўрнак олиб, камолотга эриша борадилар», деган маънода айтиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Қовун қовундан ис олар»; «Олма олмани кўриб, ранг олади»; «Ўрик ўрикни кўриб оқаради»; «Ўрик ўрикни кўриб ола бўлади»; «Одам одамни кўриб бало бўлади» (бало — бу ерда «уста, уддабурон, моҳир, ўз ишига пухта» деган маънода келтирилган); «Шароб узумдан ранг олади, одам одамдан онг олади»; «Ақл ақлдан қувват олади».

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 2 на 2005 год на приобретение ниже перечисленных материалов, запасных частей и оборудования по лотам:

1. Дизеля на тепловоз серии ТЭМ 2 без генератора в количестве 6 штук.
2. Рентгенодиагностическое оборудование в количестве 2 штук.
3. Флюорографическое оборудование в количестве 1 штуки.
4. Мамограф в количестве 1 штуки.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410, тел: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в газете.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Xurshid RAUPOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 254

11400 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni - 23.45
Topshirish vaqti — 21.00.
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda